



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2015 йил 1 январь, № 1 (6184)

Пайшанба

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Қадрли ватандошларим!

Мана шу файзли дамларда сиз, азиз юртдошларимга аввало ўзимнинг чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни изхор этиб, кутлуг қадамлари билан кириб келаётган Янги йил билан табриклаб, барчангизга чин қалбимдан сиҳат-саломатлик, тинчлик-омонлик, бахт-саодат, хонадонларингизга хотиржамлик ва фаровонлик тилашни ўзим учун катта бахт деб биламан.

Айни шу дақиқаларда яқунига етиб бораётган йилни кузатар эканмиз, йил давомида босиб ўтган йўлимизни ва рўй берган воқеаларни, қўлга киритган марра ва ютуқларни шукроналик билан кўз ўнгимиздан ўтказар эканмиз, 2014 йил биз учун самарали ва хосиятли бўлди, деб айтишга тўлиқ асосларимиз бор, деб ўйлайман.

Бунинг исботини аввало биз кўзлаган буюк мақсад бўлмиш — дунёдаги тараққий толган демократик давлатлар қаторига кириш, бунинг учун олиб бораётган демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш мақсадида амалга ошираётган улкан ишларимизда кўришимиз мумкин.

Айниқса, иқтисодий имтиёзларни барқарор суръатлар билан юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишда, ҳеч шубҳасиз, ўтаётган йил ҳаётимизда чуқур из қолдириши мумкин.

Бунинг тасдиғини юртимизда рўй бераётган оламшумул ўзгариш ва янгиланишларда, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси янада чирой очаётганида, қад ростлаётган, энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхоналарда, деҳқон ва фермерларимизнинг мардона меҳнати эвазига далаларимизнинг унумдорлиги ва ҳосилдорлиги йилдан-йилга ошиб, халқимизнинг ҳаёт даражаси юксалиб бораётганида, Ўзбекистонимизнинг дунёдаги обрў-эътибори тобора ортиб, унинг халқаро майдонда муносиб ўрин олаётганида кўриб-кузатиб, шу юртда яшаётган ҳар қайси инсоннинг кўнгли, ҳақиқатан ҳам, гурур ва ифтихорга тўлади.

Айтиш керак — ўтган даврда биз эришган айрим кўрсаткичларни тасаввур қилишнинг ўзи қийин. Жаҳон миқёсида молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётганига қарамаддан, Ўзбекистонимизнинг санокли давлатлар қаторида охириги 10 йил давомидаги иқтисодий ўсиши, яъни, содда қилиб айтганда, фаровонлигимизнинг юксалиш суръатлари узлуксиз равишда 8 фоиздан кам бўлмаддан келмоқда ва 2015 йилда ҳам бу кўрсаткичдан кам бўлмайди, иншооллоҳ, Азиз юртдошларим!

Ўзбекистоннинг бугунги кунда тараққиёт йўлида барқарор суръатлар билан қадам кўяётганида, обод ва фаровон ҳаёт кураётганида бу саховатли заминда яшаётган ҳар қайси инсоннинг, унинг миллати, дини, этник ҳодидан қатъи назар, муносиб ҳиссаси борлигини, бугун халқимизнинг машаққатли меҳнати, мардлиги ва матонали, бағрикенглиги, бир оила бўлиб яшаётгани, қисқача айтганда, юртимизда ҳукм сурётган тинчлик-осойишталик ва меҳр-оқибатлик туйғуси нақадар катта бойлик эканини барчамиз миннатдорлик билан қайд этамиз.

Бунга иқдор бўлиш учун аввало ҳозирги кунда дунёда содир бўлаётган воқеаларни, яқин ва узок атрофимизда хавф-хатарлар, сиёсий ва иқтисодий қарама-қаршилиқлар авжига чиқиб, терроризм ва экстремизм ҳаракатларини, қон тўкилишларни кўриб-кузатиб турганимиз ҳеч қимни тинч ва бепарво қолдирмайди, албатта. Минг афсуски, бундай кескинлашулар, жаҳон молиявий-иқти-



содий инқирози, дунё бозорларидаги ноаниқ вазият ва танглик давом этишининг қутилиши — бундай тахликали аҳвол барчамиздан хушёрлик, сезgirлик ва сафарбарлигимизни оширишни, содда қилиб айтганда — бўш келмаслигимизни талаб қилади.

Бир муҳим масалани эсимиздан, ҳаёлимиздан асло чиқармаслигимиз керак. Ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди. Айниқса, биз XXI асрда, глобаллашув, интеллектуал тараққиёт ва интернет замонида яшаётганимизни инобатга оладиغان бўлсак, эришган марра ва ютуқлар билан чегараланмасдан, ҳаволаниш кайфиятига берилмасдан, аксинча, доим янгиликка интилишимиз, эртанги кунимизни, олдимизда турган муаммо ва қийинчиликларни ўзимизга яққол тасаввур қилиб яшашимиз лозим. Фақат шундай жамият, қолаверса, давлатгина жадал суръатлар билан ўзгариб бораётган замон билан ҳамқадам бўлиб яшаши мумкин.

Айни шу ҳақиқатни англаган ҳолда, 2015 ва келгуси йилларнинг режалари ва янги марраларни эгаллаш ҳақида сўз юритар эканмиз, биз аввало демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида эришган ютуқларимизга, тўплаган тажрибамизга суяниб, келажагимиз стратегиясига айланган Концепцияимиз асосида олиб бораётган ишларимизни изчил суръатлар билан давом эттиришимиз зарур.

Шу борада амалга ошираётган барча ислохотларимизнинг туб илдици — томирида ётган масалаларга эътиборингизни жалб этмоқчиман.

Сўз кўп тармоқли иқтисодий имтиёзларнинг устувор соҳаси ҳақида — хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни тез суръатлар билан ривожлантириш йўлидан барча ғов ва тўсиқларни олиб ташлаш, уларнинг эркинлигини таъминлаш ҳақида бормоқда.

Яна бир устувор масала — бугун жаҳон миқёсида иқтисодий ва сиёсий вазият тобора кескинлашиб бораётганини инобатга олган ҳолда, **иқтисодий имтиёзларни таркибий ўзгаришларни изчил чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш соҳасини узлуксиз техник, технологик янгилаб бориш ва**

модернизация қилиш, замонавий ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этишдир.

Шу масалалар билан чамбарчас боғланган яна бир вазифа — **иқтисодий имтиёзларнинг улуши ва ўрни қай даражада бўлишини танқидий кўз билан баҳолаб, уни стратегик ҳамда иқтисодий асосланган даражага қадар қисқартиришдан иборат.** Очигини айтганда, мана шу ўта муҳим ислохотларимизни ярим йўлда қолдирмасдан, мантӣқий яқунига етказсак — марра бизники.

Бошқача айтганда, айни шу асосда эски маъмурий-бўйруқбозлик тизимидан ҳали-ҳақон мерос бўлиб келаётган, одамларнинг норозилигини кўзгаётган барча қолдиқлардан воз кечишга имкон туғдирамиз, улардан озод бўламиз.

Хурматли юртдошлар! Янги — 2015 йилда мамлакатимиз давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Яъни, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларини, мухта-сар айтганда, инсон омиллини янада юксалтириш эътиборимиз марказида бўлади.

Иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар микдорининг ўрточами ўсиши 22 фоиздан кам бўлмаддан, аҳолимизнинг реал даромадлари 10 фоизга кўпайиши белгиланмоқда.

Кичик бизнес ва фермер хўжалиқлари учун янги йилда ягона социал тўловлар ставкаси 25 фоиздан 15 фоизга туширилади. Шу тариха 440 миллиард сўмдан кўпроқ маблаг уларнинг ихтиёрида қолдирилади. 2015 йилнинг 1 январидан бошлаб жисмоний меҳнаткашларимиз камиди ойлик ҳажмидаги маошидан солиқ олинмайди. Барча ишчиларга тегишли бўлган бу янгилик авваломбор бошқаларга нисбатан ойлиги энг кам бўлган фуқароларга кўпроқ наф беришини алоҳида қайд этиш лозим.

Айни шу тадбирлар ҳисобидан меҳнаткашларимиз камиди 120 миллиард сўм наф кўради. Янги йилда бериладиган бундай

имтиёзларнинг рўйхатини яна давом эттириш мумкин.

Инфляция даражаси, яъни нарх-навоининг ўсиши тахминан 5,5-6,5 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

Келгуси йилда одамларимизнинг тураржой шароитларини яхшилаш, янада обод этиш, коммунал-маиший хизмат сифатини тубдан оширишга алоҳида эътибор берилади.

2015 йилда қишлоқ жойларда яшаётган 12 мингта оила шаҳар шароитидан қолишмайдиغان, намунавий лойиҳалар асосида қурилган янги уй-жойларга кўчиб кириши мўлжалланмоқда.

Қадрли дўстларим! Кириб келаётган янги йилга мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили деб ном берганимиздан халқимиз албатта яхши хабардордир.

Бунинг замирида ҳаммамизни оқ ювиб, оқ тараган, муқаддас юртимизнинг ташвиш ва муаммоларини ўз елкасида кўтариб келаётган, хонадонларимизнинг файзи ва кўрки бўлган кекса авлод вақилларини ҳаётдан рози қилиш, уларнинг дуосини олишдек савобли ва олижаноб мақсадлар мужассам эканини, ўйлайманки, барчамиз яхши тушунамиз.

Биз меҳрибон ота-оналаримиз, мухтарам кексаларимиз олдидаги ана шу қарзимизни янада теран англаган ҳолда, уларга ҳар томонлама эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишдек олижаноб мақсадлар билан 2015 йилга қадам қўяр эканмиз, биз учун миллий ўзлигимиз тимсолига айланган кетган каттага — ҳурмат, кичикча — иззат, меҳр-оқибат, шафқат ва мурувват каби эзгу фазилатларни янада мустаҳкамлаб, уларни жондан азиз фарзандларимизнинг онгу шуурига синдиришда кириб келаётган йил муҳими, юксак бир босқич бўлишига ишонаман.

Айни шундай ноёб фазилатларга эга бўлаётганимиз яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайловларда яққол намоён бўлганининг гувоҳи бўлдим.

Булларнинг барчаси одамларимизнинг, аввало, ҳал қилувчи кучга айланаётган ёш авлодимизнинг онгу тафаккури, дунёқарashi, сиёсий ва фуқаролик савияси, ҳуқуқий маданияти юксалиб ва энг муҳими — эртанги кунимизни биз ўзимиз, она юртимиз учун қуряпмиз, деб дадил майдонга чиқаётганининг намойиши, десам, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Мен яқинда, Конституцияимиз байрамга бағишланган тантанали мажлисда кимки асл демократияни кўрмоқчи бўлса, Ўзбекистонимизга келсин, деб айтганим бежиз эмас.

Ҳақиқатан ҳам, бундай халқ олдида бosh эгиб, ҳар қанча таъзим қилсак арзийди, албатта, азизларим.

Қадрли ва мухтарам ватандошларим!

Янги йил кириб келишига санокли дақиқалар қолган мана шу ҳаяжонли дамларда барчамиз Яратганимиздан эзгу мақсадларимиз рўёбга чиқишини, хонадонларимизнинг кут-баракаси, файзини беришини чин қалбимиздан сўраймиз.

Кириб келаётган янги йилимиз юртимизга, барча-барча оилаларга бахту саодат ва омад келтирсин!

Ҳар қиримизнинг пок ният ва тилақларимиз ижобат бўлсин!

Ватанимиз тинч, халқимиз омон, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти



САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Янги — 2015 йил кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига қатор хорийий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар ва чет эл етакчи компанияларининг раҳбарлари, жамоат арбоблари сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва омонлик тилаб, ўзларининг эзгу ниятлари изхор этилган самимий қутловларини йўллашда давом этмоқдалар.

Жумладан, қуйидагилар ўз табриқларини йўллаганлар:

Корея Республикаси Президенти **Пак Кин Хэ**

Буюк Британия Бош вазири **Дэвид Кэмерон**

Латвия Республикаси Президенти **Андрис Берзинш**

Венгрия Республикаси Президенти **Янош Адер**

Кипр Республикаси Президенти **Никос Анастасиадес**

Исландия Президенти **Олаур Рагнар Гримссон**

Украина Президенти **Пётр Порошенко**

Беларусь Республикаси Президенти **Александр Лукашенко**

Канада Генерал-губернатори **Дэвид Жонстон**

Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти **Чюнг Тан Шанг**

Австралия Генерал-губернатори **Питер Коэгроув**

Янги Зеландия Генерал-губернатори **Жерри Матепарае**

Кувайт Давлати Амири **Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ**

Миср Араб Республикаси Президенти **Абдулфаттоҳ Ас-Сиси**

Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти **Абдулазиз Бутефлика**

Колумбия Республикаси Президенти **Хуан Мануэль Сантос**

БМТ Тараққиёт дастури маъмурияти раҳбари **Желен Кларк**

«ЛУКОЙЛ» ОАЖ Президенти **Вагит Алекперов**

«Siemens» компанияси Президенти ва Бош ижрочи директори **Жон Кайсер**

Жанубий Кореянинг «Shindong Resources Co.LTD» компанияси раиси **Ким Ёнг Гу**

Япония Парламенти Маслаҳатчилар палатаси депутати **Кёко Накама**

Тошкент ва Ўзбекистон Митрополити, Ўрта Осиё Митрополия округи раҳбари **Викентий**

Табриқномалар келиши давом этмоқда.

Қалбларда айём шуқуҳи

Соғлом ва баркамол авлод мамлакатимиз эртаси, ёруғ келажагимизнинг таянчи ҳамда суяниқдир. Шу боис ҳам истиқлолнинг илк кунлариданоқ ўғил-қизларимизни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялаш масаласига давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратилмоқда.

■ ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ

Мана шундай юксак ғамхўрлик огушида улғаяётган фарзандларимиз кувончидан халқимизнинг дили шод, қалбиди шукроналик ҳисси мужассам.

Айни пайтда юртимизнинг барча худудларида кўтаринки кайфиятда нишонланаётган Янги йил айёми шодияларини кузатиб, бунга яна бир қарра амин бўлиш мумкин. Хусусан, истиқлол йилларида эзгу аънанга айланган «Президент арчаси» тантаналари беғубор орзулар билан яшаётган кичкинтойларимизга олам-олам хурсандчилик бахш этди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ва-

зирлиги, «Sen yolg'iz emassan» республика болалар жамоатчилиги жамғармаси ва бошқа бир қатор ташкилот ҳамда муассасалар ҳамкорлигида ташкил қилинган тадбирларга ижтимоий ғимояга муҳтож, кам таъминланган оилалар фарзандлари, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари тақлиф этилди.

Чунончи, Нукус шаҳрида бўлиб ўтган «Президент арчаси» тантаналарида болажонлар учун турли эртак қаҳрамонлари иштирокидаги театрлаштирилган томошалар намойиш қилинди.

(Давоми 2-бетда.)

Озод ва обод юртда яшаш — саодат

Инсоннинг тўрт мучаси соғ-саломат бўлса-ю, қалбиди ҳаловат бўлмаса, ҳеч нарса татимайди. Шу маънода, биз бугун ҳар қанча фахр ва гурур огушида, шукрона айтиб яшашга ҳақлимиз.

■ ИФТИХОР

Зеро, истиқлолнинг илк кунлариданоқ Президентимиз раҳнамолигида узокни кўзлаб олиб борилган оқилона сиёсат туфайли жонажон Ўзбекистонимиз дунёда ўз ўрни ва обрўсига эга мамлакатга айланди. Бунда, албатта, Юртбошимизнинг фармонлари ва қарорлари, ҳар бир йилга алоҳида ном берилиб, шу асосда қабул қилинган Давлат дастурларининг изчил ижроси муҳим аҳамият касб этаётди. Хусусан, «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида ҳам улкан ишлар амалга оширилди.

Халқимиз доимо фарзандининг камолини кўриш орузида яшайди. Ўзи эришмаган омаду бахтни уларнинг тимсолида кўришга интилади.

(Давоми 4-бетда.)

■ ЭЪТИБОР

Жиззах туманида яшовчи 12 та ёш оила Янги йил байрамини худудда қуриб битказилган «Камолот» уйларида кутиб олди. Шу муносабат билан ташкил этилган маросим қўшалоқ шодиянага айланди.

«Камолот» уйлари фойдаланишга топширилди

«Камолот» ЁИХ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди мутасаддилари, нурунийлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этган ушбу тадбирда сўз олганлар янги хонадон сохибларини кутлаб, Президентимиз раҳнамолигида ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар хусусида тўхталдилар.

— Ушбу хонадон оиламиз аъзоларига жуда маъқул келди, — дейди янги уй сохибларидан бири Эркин Акрамов, — Бу ердаги шарт-шароитлар шаҳардагидан асло қолишмайди. Барча қулайликлар мўжайё. Хоналар кўркам ва шинам. Айниқса, тураржой имтиёзли ипотека кредити асосида йигирма йилга, бошланғич тўловларсиз берилгани бизни жуда қувонтирди. Бу давлатимиз томонидан биз, ёш оилаларга кўрсатилмаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик ифодасидир.

Таъкидлаш жоизки, Соғлом бола йилида вилоятда 86 хонадонли учта шундай «Камолот» уйи қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Тождидин КАМАРОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

хабар қилади

Электростанция модернизация қилинди

Сирдарё иссиқлик электр станциясининг иккинчи энергоблоки юқори қувват билан ишлай бошлади. Хозир бу ерда аввалгига нисбатан соатига 25 мегаватт күл электр энергияси ҳосил қилинмоқда. Бундай кўрсаткичга технология янгилашиллар тўғрисида эришилди. Айтиш лозимки, энергоблокка ўрнатилган барча эҳтиёт қисмлар хоридан махсус буюртма асосида келтирилди. Аини чоғда тўққизта энергоблокда жами 2200 мегаватт-соатдан зиёд электр қуввати ишлаб чиқарилмоқда. Станциянинг биринчи энергоблокида олиб борилатган модернизация ишлари ниҳоятга етган, бу кўрсаткич янада ортади. Умуман, ИЭСнинг икки



энергоблокини модернизациялашга йўналтирилган маблағ микдори 60 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Тритон ҳайкаллари топилди

Сурхондарёда археолог олимлар томонидан ноёб тритон ҳайкаллари топилди. Термиз шаҳрига яқин дарё ўзанида жойлашган «Талитоғора» ёдгорлигида олиб борилган изланишлар жараёнида қўлга киритилган ушбу ноёб топилма тошга ўйиб ишланган ярим одам, ярим от ва ярим балиқ шаклида бўлиб, аини пайтда у қайси даврга тегишли эканлиги ўрганилмоқда.

Ўзбекистон Фанлар академияси Яхё Фуломов номидаги Археология институти илмий ходими Тўхташ Аннаев. — Сурхондарёнинг Амударёга қуйилиш жойидан топилган «Талитоғора» ёдгорлиги қадимда ибодатхона бўлганлиги тахмин қилинмоқда. У дарё бўйида қурилган, шунингдек, бу ерда топилган күплаб тарихий ашёлар ва тасвиурлар ҳулосаларимизга мос келаяпти.

— Экспедициямиз Термиз давлат университети ва Термиз археология музейи ходимларидан иборат бўлди, — дейди

Нормурод ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Кўфирчоқ ўзбекча «сўзлайди»

Тошкент вилояти. Янги йил байрамиде болажонларни фақат ширинлик улашиб эмас, ранг-баранг ўйинчоқлар билан ҳам мамнун этиш мумкин. Зангиота туманидаги «Map Joy Toys» масъулияти чекланган жамияти жамоаси байрамга атаб болалар ўйинчоқларининг янги туркумланин ишлаб чиқара бошлади.

Спорт анжомлари, уй-рўзгор буюмлари, қуриш асбоблари қўришидаги ҳамда йиғма конструкцияли ўйинчоқлари билан аллақачон юртимизда ном қозонган корхонада эндиликда миллий автомобилларимизнинг мити нухалари ҳам тайёрланаётир. Эътиборлиси, жамоа болажонларнинг интеллектуал ривожланишига кўмаклашувчи янги махсулотлар — ўзбек, рус ва инглиз тилларида «сўзловчи» кўфирчоқлар ва электрон алифбо қўлланмаларини ҳам кенг турда тайёрлашга киришди. Бу изланишлар натижасида корхонада тайёрланаётган ўйинчоқлар тури 70 дан ошди.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Кичкинтойлар қувончи

Фарғоналик кичкинтойлар Янги йил байрамини яқинда вилоят марказида фойдаланишга топширилган мухташам Санъат саройида нишонлашди. «Насриддиннинг Янги йил саргузашлари» деб номланган томоша дастуриси асосан эзулик ва ёмонлик ўртасидаги қураш турли эртак қаҳрамонлари образлари орқали очиб берилди.

жонов номидаги вилоят мусикали драма театри жамоаси ҳам болалар учун Янги йил томошаларини тақдим этмоқда. Театрда «Олтин жўжа саргузашлари» эртак-драматик асарни намойиш қилинаяпти. Шу билан бирга, «Янги йил қўшиғи» деб номланган болалар шоу-концерти ҳам бўлиб ўтмоқда.

Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Урганчда мухташам гипермаркет

Хоразм. Тадбиркор Нураддин Бекжанов саъй-ҳаракати билан Урганчда замонавий гипермаркет фойдаланишга топширилди. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 17 миллиард сўмлик

банк кредити йўналтирилди. Бу ерга ташир буюрган киши бир пайтнинг ўзида савдо ва сервис хизматидан фойдаланиш баробарида, хордик чиқариши ҳам мумкин.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Бозор талабига мос

Қашқадарё вилояти марказидаги «Насф тоза сифат» масъулияти чекланган жамиятида гигиена воситалари тайёрлаш ўзлаштирилди.

қаришда бозордаги талаб ва эҳтиёжнинг пухта ўрганилиши, — дейди жамият раҳбари Феруз Сууюнов. — Хозир ойига 30 тоннадан ортиқ махсулот тайёрлаб, хариддорларга етказиб бераёламиз.

Банкнинг 249 миллион сўмлик кредити ҳисобига харид қилинган замонавий технологик линия ёрдамида аини пайтда уч турдаги кир ювиш қуқунлари ишлаб чиқарилиб, бежирим идишларга қадоқланмоқда.

Корхонада янги ишлаб чиқариш линиясининг ишга туширилиши эвазига ўнга яқин иш ўрни яратилди.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СУРУР

Янги йил оstonасида ортга бир назар ташлаб, ўтган йилни сарҳисоб қилиш халқимизга хос хислат. Негаки, бу келгусида бажармоқчи бўлган ишлар режасини тузиш, галдаги муҳим вазифаларни белгилаб олиш учун аини муддаодир. Шу боис мухбирларимиз айрим юртдошларимизга «2014 йил ҳаётингизда қандай из қолдирди? Янги йилдан нималар кутаясиз?» деган саволлар билан муружаат қилди.

2014 йил ҳаётингизда қандай из қолдирди?

Баҳоидир КЕНЖАЕВ, «Аҳмадий» фермер хўжалиги раҳбари (Сирдарё вилояти):

— Мен учун худаям қувончи ва омадди йил бўлди. Бунга аризи гулики сабаблар кўп. Хусусан, Муस्ताқиллигимизнинг 23 йиллиги арафасида Президентимиз Фармонида мувофиқ, «Шўхрат» медали билан тақдирланган бўлсам, «Ташаббус — 2014» республика кўрик-танловининг «Энг яхши фермер» йўналишида биринчи ўринни эгалладим. Бу ҳаётимдаги энг нуқтиласи воқеалардир. Деҳқончиликдаги натижаларимиз ҳам чакки бўлмади. 105 гектар майдонда пахта етиштириб, гектаридан ўртача 40 центнердан, 60 гектар ғалладан эса 62 центнердан ошириб ҳосил олдик.

«2014 йилнинг энг яхши лойиҳаси» кўрик-танловида голибликини қўлга киритдим ва банк томонидан имтиёзли кредит олиш имкониятига эга бўлдим.

Соглом бола йили давомиде мебелсозликдан ташқари, тикувчилик ва пайвандлаш цехлари фаолиятини ривожлантирганимиз туфайли ишлаб чиқарилаётган махсулотлар тури 100 дан ошди. Энг муҳими, 5 та қўшимча иш ўрни яратилиб, уларга касб-хунар коллежи битирувчиларини жалб қилдик.

2015 йилда «Мебеллар уйи»ни фойдаланишга топширмоқчимиз. Бунинг натижасида яна 18 нафар ёшнинг бандлиги таъминланади.

Ҳикматилла САЛИЕВ, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг алоқа ва сигналлаштириш маркази бош муҳандиси:

— Истиқлол йилларида юртимиз темир йўллари жадал ривожланиб, қудратли тизимга айланган. Ўтган йиллар мобайнида барпо этилган янги темир йўллар, қурилатган замонавий вокзаллар, кўк қабул қилиш ва жұнатиш терминаллари бунга яққол мисол бўла олади.

Яқунланган йилда компания-мизнинг йигирма йиллик тўйини нишонладик. Бу байрам ҳаётимда ўчмас из қолдирди, десам, аини ҳақиқатни айтган бўламан. Чунки ушбу сана муносабати билан Президентимиз Фармонида асосан, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими» унвони билан тақдирландим. Албатта, бундан жуда хурсанд бўлдим. Ўз навбатида, бу муко-

фот зиммамга катта масъулият ҳам оқлайди.

2015 йилда ҳам тизимда жуда кўплаб истиқболли лойиҳалар рўёбга чиқарилиши режалаштирилган. Аини пайтда барчамиз улар ижросини таъминлашга қатъий бел болаганмиз. Бундан кўзлаган мақсадимиз битта — юртимиз тараққиётини юксалтириш ва халқимиз турмушини янада фаровонлаштиришга муносиб ҳисса қўиши.

Фарида ҚУРБОНОВА, ёш тадбиркор (Сурхондарё вилояти):

— Бугун юртимизда ёшларни, аиникса, касб-хунар коллежлари битирувчиларини қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътибор барчамизни янги марралар сари ундамоқда. Қаранг, биргина 2014 йилда ўз бизнесини бошлаш истагида бўлган тенгдошларим учун 170 миллиард 700 миллион сўм микдорда кредитлар ажратилибди. Мен ҳам бундан оқилона фойдаландим: 2014 йилда Ангор туманидаги қишлоқ хўжалиги ва ўрмончилик касб-хунар коллежини тамомлағач, 4 миллион 800 минг сўмлик имтиёзли кредит олиб, маҳалламизда кичик тикувчилик цехи ташкил этдим. Аини пайтда бу ерда 4 нафар чевар меҳнат қилаётган бўлиб, буюртма асосида ёстиқ жилдлари, чойшаблар тикишмоқда.

Янги йилда яна 6 та замонавий тикув дастгоҳи харид қилиб, қўшимча иш ўринлари яратиш ниятидамиз. Бу орқали эл-юртга, өз бўлса-да, наф келтиришдан хурсанд бўламыз, албатта.

Мафтункор санъат жозибаси

Ватанимиз қадимдан санъат ва маданиятнинг бешиги бўлиб келган. Мумтоз мусиқа санъатимизга бағишланган кўплаб намуналар, ашуларга болагимдан қизиқаман. Шунинг учун ҳам келажақдаги ҳаётим ва фаолиятимни мусиқага болаганман.


лаган «Competizione dell'Opera» итальян операси ижрочилири XIV Халқаро танловининг азим Тошкентимизда ўтказилганининг асосий сабаби

ДИЛ СЎЗИ

Мухими, бугун биз, ёшларнинг замонавий илм-фан ютуқлари ҳамда мусиқага оид билимларни пухта ўзлаштиришимиз учун барча имкониятлар мавжуд. Хусусан, мусиқа ва санъатга ихтисослаштирилган мактаб, ўрта махсус, касб-хунар таълими ва олий таълим муассасалари фаолият юритмоқда. Улардаги шарт-шароитлар бугунги кун талабларига тўла жавоб беради. Дунё воқалларини ўз атрофига жам-

ям юртимизда санъат ва маданият алоҳида қадрланиши, унинг равнақи учун давлатимиз раҳбари томонидан юксак эътибор қаратилаётгани билан боғлиқдир. Унга йиғилган машхур театр раҳбарлари, опера мутахассислари, ёш ижрочилар мамлакатимиз санъат соҳасидаги шарт-шароитлар билан яқиндан танишиб, Ўзбекистон наинки Шарқ дарвозаси, бал-

ки дунё тамаддунига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган давлат, дея таъриф беришди. Менинг мазкур халқаро танловда олий мукофот — Гран-прини қўлга киритганим ҳам санъатсевар халқимизнинг ютуғидир. Албатта, бундай юксак эътироф ижодимни янада янги погоналарга кўтариш, опера йўналишида юксак чўққиларни эгаллашимга ундайди.



Бразилияда футбол бўйича бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз, ФИФА рефериси Равшан Ирматов муносиб иштирок этиб, жаҳон чемпионатларининг финал босқичида энг кўп — тўққизта ўйинни бошқарган ҳакам сифатида рекорд ўрнатди. Президентимизнинг 2014 йил 25 июлдаги Фармонига мувофиқ, Равшан Ирматов «Эл-юрт хурмати» ордени билан мукофотланди.

Вьетнамда кимё фани бўйича Бутунжаҳон олимпиадаси бўлиб ўтди. 75 давлатдан қарий 300 нафар билимдонлар иштирок этган ушбу тадбирда Ўзбекистон вакиллари битта олтин, битта кумуш ва 2 та бронза медалини қўлга киритди.

Қашқадарё вилоятидаги «Лочин» оромгоҳида «Юрт келажаги — 2014» республика иқтидорли ёшлар танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда 606 нафар ўғил-қиз орасидан 48 нафар голиб саралаб олинди.

Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги II Олимпий уйинларида 28 нафар ёш спортчимиз Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, 4 олтин, 3 кумуш ва 3 бронза медалга сазовор бўлди.

Тошкент, Урганч ва Гулистон шаҳарларида «ICTЕхro — 2014» ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги уюштирилди.

Самарқанд шаҳридаги «Формуллар мажмуаси»да БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси бўлиб ўтди. Ушбу халқаро форумда БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилотига аъзо давлатлар вакиллари, шунингдек, АҚШ, Франция, Испания, Германия, Греция, Хорватия, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Хиндистон, Миср, Индонезия, Сингапур, Таиланд каби ўнлаб мамлакатлардан мутахассислар, халқаро туризм ташкилотлари раҳбарлари, экспертлар иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Исроил Каримов сессиянинг очилиш маросимида нутқ сўзлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамаси Ижro этувчи аппарати жамоаси масъул ходим Қаҳрамон Абдуғаниевич Шакирова падари бузруквори Абдуғани ШАКИРОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия илхор этади.



Дилмурод СОДИҚОВ.

Ишонч ва масъулият

Коллеж ўқитувчисиман. Билим масканимиз вилоятнинг энг чекка ҳудудларидан саналган Искоғаре қишлоғида жойлашган. Ҳозир бу ерда минг нафардан зиёд ўғил-қиз тахсил олиб, касб-хунар сирларини ўрганмоқда.

ҳам шоғирдларим борлигидан хурсандман.

ФАХР

Коллежимиз замонавий бинода жойлашган. Ўқув ва амалиёт хоналари, тикувчилик, зардўзлик, радиотехника ҳамда компьютер оператори йўналишларида уста-хоналар мавжуд. Барчаси илғор ахборот технологиялари, ўқув куроллари билан жиҳозланган. Спорт зали, футбол, волейбол, баскетбол майдонлари ўқувчилар ихтиёрида. Бундай қулай шарт-шароитларни кўрган ҳар қандай кишининг ҳаваси келиши аниқ.

Дарвоқе, ортда қолган йил мен учун ҳам жуда мазмунли кечди. Мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллиги байрами арафасида Президентимиз Фармонига мувофиқ, давлатимизнинг юксак мукофоти билан тақдирландим. Бу ҳаётимдаги энг қувончли воқеа бўлди. Оиламиз, коллеж жамоаси, қишлоғимиз ахли учун ҳам унутилмас кун бўлиб қолди.

Камтарона меҳнатимнинг юксак қадрлангани ҳаётимга янгича мазмун олиб кирди. Зиммамдаги масъулиятни теран англашга ундади. 2015 йилда ҳам қишлоғимиз ёшларининг таъбири санъат ва миллий хунармандчиликка бўлган қизиқишларини янада ошириш, уларни кадриятларимиз, аъналаримизга садоқат руҳида тарбиялашдек олижаноб ишга ўз ҳиссамни қўшаман.

Жамол ҲАЛИМОВ, Шофиркон маийш хизмат ва миллий хунармандчилик касб-хунар коллежи махсус фан ўқитувчиси, «Меҳнат шўхрати» ордени соҳиб.

ЭЗГУЛИК

Юртимизда Янги йил шуқуҳи ҳукмрон. Унинг завқ-шавқи нафақат маданият ва истироҳат боғлари, хиёбонлар, балки театр сахналарига ҳам ўзига хос ранг-баранглик, сурур бахш этапти. Хусусан, пойтахтимиздаги Республика ёш томошабинлар театри жамоаси байрам тантаналарига алоҳида тайёргарлик кўрди.

Болажонларга таътил тўхфаси

Театр сахнасининг замонавий қўриниши, унинг шодийона ва хос безатилган ёш томошабинлар қизиқишини ошироқда. Шу боис аксарият мак- таб ўқувчилари, Мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари мазкур ибратхона томон ошиқмоқдалар.

жонларнинг қишки таътил кунларини мароқли ва эсда қоларли қилиб ўтказиш мақсадида театр репертуари камрови кенгайтирилди. Эртаклар асосида яратилган қатор спектакллар намойиш этилмоқда. Эртак қаҳрамонларининг жонли характерлари, эзгулик йўлидаги қурашлари болажонларда катта таассурот уйғотмоқда.


— Менга, аиникса, «Қор маликаси» спектакли худаям ёқди, — дейди пойтахтимиздаги 4-умумтаълим мактабининг 2-синф ўқувчиси Раҳматилла Файзиев. — Эртак қаҳрамони олижаноб фазилатлар эгаси. Шунинг учун ҳам йўлида учрайдиган турли тўсиқларни енгиб ўтиб, эзгу мақсадларига этади. Ўқитувчимиз айтгандай, ҳаётда ким эзгулик тарафлари бўлса, у албатта, бахтга эришади.

Театр жамоаси байрам шодийоналарига бағишланган кўчма спектакллари ҳам ташкил этмоқда. Жумладан, нафақат пойтахтимиз, балки республикамизнинг турли вилоятлари ҳам ижодий сафарлар уюштирилаяпти.



Дилмурод СОДИҚОВ.

СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ



Жанубий Кореянинг Инcheon шаҳрида XVII Осиё ўйинлари ўтказилди. Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ушбу мусобақаларда спортнинг 31 турида иштирок этиб, 44 медаль, яъни 9 олтин, 14 кумуш ва 21 бронза медални қўлга киритди.

Мамлакатимиз пахтакорлари 3400000 тоннадан ортик муҳим саноат хом ашёси етиштириб, зиммаларига олган йиллик шартнома мажбуриятини шараф билан бажардилар.

II Параолимп ўйинларида ўзбекистонлик 27 нафар спортчи 22 олтин, 5 кумуш ва 4 бронза, жами 31 медални қўлга киритиб, қирқдан зиёд давлат орасида бешинчи, Марказий Осиё давлатлари ўртасида биринчи ўринни эгаллади.

Урганч шаҳрида "Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

"Туркистон" санъат саройида "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси ташкил этилганига йигирма йил тўлиши муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Тошкентда "Competizione dell'Opera" ёш опера ижрочиларининг XIV халқаро танлови ўтказилди. Нуфузли ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра, юртдошимиз Барно Исмаилюлаева танлов голиби, деб топилди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2014 йил 22 августдаги Фармонида мувофиқ, Термиз шаҳри Амир Темур ордени билан мукофотланган эди. 28 ноябрь куни Термиз шаҳрида ушбу юксак мукофотни топиришга бағишланган тантанали маросим бўлди.

Пойтахтимизда Ўзбек Миллий академик драма театри ташкил топганининг 100 йиллиги муносабати билан адабий-бадвий тадбир бўлиб ўтди.



"Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма икки йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

2014 йил 21 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтди.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Албатта, бундай саяёҳат-харакатлар замирида ота-оналик масъулияти мужассам. Аммо, унутмайлик, ният ўз-ўзидан қилинмайди, ҳар ким шароити ва имкониятидан келиб чиқиб иш қўради.

Гап шундаки, бу муваффақиятларнинг тамаи тоши илк савод чикариладиган даргоҳ — мактабларда қўйилган. Президентимиз ташаббуси билан ҳаётга татбиқ қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умумий миллий дастурига кўра, юртимизда минглаб муҳташам мактаблар бунёд этилди ва улар энг замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланди.

Худди шунингдек, "Соғлом бола йили" Давлат дастури доирасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилгани бу борадаги ютуқлар салмоғини янада орттирди. Хусусан, она-бола скрининги, перинатал хизматлар тармоғи тобора такомиллаштирилди.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан "Соғлом бола йили" Давлат дастурининг ижросини таъминлаш бўйича тегишли чора-тадбирлар режаси шилаб чиқилиб, изчил амалга оширилди.

Президентимизнинг 2014 йил 1 августда қабул қилинган "2014 — 2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсимирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида"ги қарори оналик ва болаликни муҳофазалаш, фар-

ҳоратини юксалтириш, жаҳон тиббиётининг илгор ютуқларини амалиётга кенг татбиқ этиш бўйича қатор ютуқларга эришилди.

Она ва болага кўрсатилаётган бирламчи тиббий-профилактика ёрдами янада

зандларимизни жисмоний ва маънавий жиҳатдан камол топтириш борасидаги ишларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳасида эришилган ютуқлардан яна бири ихтисослаштирилган тиббий ёрдам

Кизлар ўртасида спортни янада омаллаштириш мақсадида ҳар йили минглаб ўқувчиларга Президентимиз совга-си сифатида замонавий, миллий менталитетимизга мос спорт кийимлари топширилаётганидан хабарингиз бор.

Соғлом бола йилида республикада иштирок этишди. Жумладан, футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Осиё чемпионатининг чорак финалида галаба қозониб, китъамиздаги тўртта давлатдан бири сифатида бу йил Янги Зеландияда бўладиган жаҳон чемпионатида иштирок

ри қатнашган бўлса, айрим давлатлар спортчилари бирор-орта ҳам медал ололгани йўқ. Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилган 27 нафар ҳамюртимиз эса энгил атлетика, дзюдо, сузиш ва ўқ отиш бўйича ўтказилган мусобақаларда маҳорат кўрсатиб, жамоадагилар сонига нисбатан кўпроқ, яъни 31 медални қўлга киритишди.

Яна бир аҳамиятли жиҳати, паралимпиячиларимиз 12 марта-ба Осиё рекордини янгилашди.

Ўсимирлар ўртасидаги II Олимпия ўйинлари, Осиё ва Параолимп ўйинлари голиб ҳамда совриндорлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди.

Табиийки, 2014 йилда ҳаётимизда рўй берган барча эзуликларни биргина мақолада ифода қилиб бўлмайди. Қолаверса, тилга олинган маълумотлар фарзандлар камолини таъминлаш йўлидаги чора-тадбирларнинг мингдан бири, холос. Уларнинг мақсадлар йўлида бажарилган бу ишлар бизни шукрона айтиб яшашга ундайди. Бинобарин, Президентимиз таъкидлаганларидек, "Бугун биз бошлаган улғу ишларнинг давомчилиги бўлмиш мана шундай йигитлар, кизларимизни, уларнинг бахту камолини кўриб, шундай гўзал юрда, шундай ёруғ, мусаффо осмон остида яшаш насиб этганига барчамиз шукроналар айтаемиз. Бундай бахтли ҳаётни халқимиз асрлар, минг йиллар давомида ҳавас ва орзу қилиб яшаган эди. Бизни мана шундай саодатли кунларга Худо етказяпти. Хар тонгда пок бўлиб, чин дилдан сўрасак, Яратганимизнинг Ўзи албатта йўлимизни очиб беради. Ва Оллоҳнинг назари тушган мана шу муқаддас юрда ҳеч ким ҳеч қачон кам бўлмайди, иншоолло".

Озод ва обод юртда яшаш — саодат

ривожлантириш тиббий ислорхотларнинг устувор йўналишидир. 2014 йилда мазкур жиҳада фаолият юритаётган мутахассисларнинг малакасини ошириш дастури доирасида 750 нафар умумий амалиёт шифокори ўқув курсларига жалб этилди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг оналик ва болаликни муҳофаза қилишга оид замонавий технологияларни жорий этиш борасидаги тавсиялари асосида беш мингдан ортик акушер-гинеколог, неонатолог ва педиатрнинг малакаси оширилди.

Бирламчи тиббиёт ходимларига амалий ёрдам бериш мақсадида мамлакатимизда саккиз марта мониторинг ҳафталиги ўтказилиб, Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент педиатрия тиббиёт институти ва клиникалари, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, Республика перинатал маркази, Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт ва аҳоли репродуктив саломатликни муҳофазалаш бўйича замонавий технологиялар юзасидан билим ва тажрибасини янада бойитди.

Бирламчи тиббиёт ходимларига амалий ёрдам бериш мақсадида мамлакатимизда саккиз марта мониторинг ҳафталиги ўтказилиб, Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент педиатрия тиббиёт институти ва клиникалари, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, Республика перинатал маркази, Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт ва аҳоли репродуктив саломатликни муҳофазалаш бўйича замонавий технологиялар юзасидан билим ва тажрибасини янада бойитди.

Президентимизнинг 2014 йил 1 августда қабул қилинган "2014 — 2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсимирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида"ги қарори оналик ва болаликни муҳофазалаш, фар-

ҳоратини юксалтириш, жаҳон тиббиётининг илгор ютуқларини амалиётга кенг татбиқ этиш бўйича қатор ютуқларга эришилди.

Она ва болага кўрсатилаётган бирламчи тиббий-профилактика ёрдами янада зандларимизни жисмоний ва маънавий жиҳатдан камол топтириш борасидаги ишларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳасида эришилган ютуқлардан яна бири ихтисослаштирилган тиббий ёрдам

Кизлар ўртасида спортни янада омаллаштириш мақсадида ҳар йили минглаб ўқувчиларга Президентимиз совга-си сифатида замонавий, миллий менталитетимизга мос спорт кийимлари топширилаётганидан хабарингиз бор.

Соғлом бола йилида республикада иштирок этишди. Жумладан, футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Осиё чемпионатининг чорак финалида галаба қозониб, китъамиздаги тўртта давлатдан бири сифатида бу йил Янги Зеландияда бўладиган жаҳон чемпионатида иштирок

Соғлом бола йилида республикада иштирок этишди. Жумладан, футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Осиё чемпионатининг чорак финалида галаба қозониб, китъамиздаги тўртта давлатдан бири сифатида бу йил Янги Зеландияда бўладиган жаҳон чемпионатида иштирок

Соғлом бола йилида республикада иштирок этишди. Жумладан, футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Осиё чемпионатининг чорак финалида галаба қозониб, китъамиздаги тўртта давлатдан бири сифатида бу йил Янги Зеландияда бўладиган жаҳон чемпионатида иштирок



ликамик бўйича 301 минг 242 нафар киз ана шундай рағбатдан баҳраманд бўлди. Бу улarga олам-олам қувонч, хурсандчилик олиб келгани, шубҳасиз.

Ўшларимиз ўртасида уч босқичли спорт мусобақаларини ўтказиш яхши анъанага айланган. 2014 йилда Наманганда "Баркамол авлод" спорт йўлчилари зўр муваффақият билан ташкил этилди.

Шу муносабат билан мазкур ҳудудда жуда катта ҳажмда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бажарилди.

Уч босқичли тизимнинг ўзига хос жиҳати шундаки, у мактаб ўқувчиларидан тортиб, олий таълим муассасалари талабаларигача — ёш авлодининг барча вакиллари кўраб олади.

Уч босқичли тизимнинг ўзига хос жиҳати шундаки, у мактаб ўқувчиларидан тортиб, олий таълим муассасалари талабаларигача — ёш авлодининг барча вакиллари кўраб олади.

Уч босқичли тизимнинг ўзига хос жиҳати шундаки, у мактаб ўқувчиларидан тортиб, олий таълим муассасалари талабаларигача — ёш авлодининг барча вакиллари кўраб олади.

2015 йилни тинчлик ва осойишталикда, кўтаринки қайфиятда қарши олдик. Қалбимизда яна янги орзулар, эзгу мақсадлар муҳжасам. Мана шундай шуқуҳли дамларда барчамизнинг дилимиздан куйидаги истаклар ўтиши табиий: Кексаларни эъзозлаш йили деб ном олган ушбу йил Ватанимиз таррақийетини янада янги босқичга кўтарадиган йил бўлсин! Барча-барча оила-ларга бахту саодат ва омад келтирсин! Юртимиз тинч, халқимиз омон, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Мақсуд ЖОНИХОНОВ.

Кундалик ҳаётимизни тақвимларсиз тасаввур қилиш қийин. Зеро, кун, ҳафта, ой, йил ҳисобини юритиш қадим-қадимдан удум бўлиб, у Қуёш, Ой ва сайёраларнинг кўринма ҳаракати, кун билан тун алмашинуви, йил фасллариининг даврий такрорланишига асосланган. Ҳатто илгари муҳим воқеа-ҳодисаларни бир ипга кетма-кет тизиб чиқишда асқатадиган тақвимлар ва тақвимбошилар ҳам бўлган.

Омад ва шодлик келтиради

Туркий халқлар фойдаланган тақвимлар қарийб уч минг йиллик тарихга эга бўлиб, улар орасида мучал ҳисоби алоҳида ажралиб туради. Абу Райхон Берунийнинг "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар", Маҳмуд Кошғарийнинг "Девони лугатит-турк" асарларида келтирилган, ушбу даврий йил ҳисобига 12 та жонивор номи киритилган. Булар — сичқон, сигир, йўлбарс, қуён, балик, илон, от, қўй, маймун, товуқ, ит ва тўнғиз.

асл йил тақвими саналади. Ушбу тақвим мукаммал ишлаб чиқилган бўлиб, кўп йиллар давомида қайси йилда қандай об-ҳаво кузатилишига пухта ўрганилган. Қадимий ривоятлар ҳам шунга ҳамоҳанг эканлиги эътиборга моликдир.

рорлик ва хотиржамлик рамзи ҳисобланади. Вазминлик, босиқлик, мурося йўлидан бориш унга хосдир. Қирғинбарот урушлар айнан кўй йилида тўхтатилганига тарихдан мисоллар кўп.

ва ободонлаштириш, шу жумладан, шинам ва кўркам уй-жойлар қуриш ишлари авж олиши, тадбиркорлик янада раванак топиши, шубҳасиз. Модаламода ҳам янгидан-янги натижалар қўлга киритилиши, ёрқин бўлган ранглар урфга кириши мумкин.

БАЙРАМ ҲАНГОМАЛАРИ
Ўшанинг эримикимиз?
Анови нега мени четга имляпти? Авзойи бузук-роқми? Наҳотки, бу... ўшанинг эри бўлса?
Мен уни пайкамаётгандек, танишим билан бемалол гаплашиб турибман. Узоқроқ гаплашаварай-чи, у ёғи бир гап бўлар.

Халқ сўзи Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 167. 152 336 нухсада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.
ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган кўлемлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарибмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бемуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббеов.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 19.30 Топширилди — 19.50 1 2 3 4 5